O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 7 ноябрь, №228 (3340) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар жаҳон молия ташкилотларининг мамлакатимизга эътиборини янада оширмоқда. Шу йил май ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси Тошкентда ўтказилди, сентябрь ойида Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али мамлакатимизга ташриф буюрди ва пойтахтимизда ушбу халқаро ташкилотнинг Инвестицион конференцияси бўлиб ўтди.

Энди Тошкент яна бир нуфузли анжуманга ҳозирлик кўрмоқда.

Келаси ҳафта пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) шафеълигида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган вазирлар конференцияси бўлиб ўтади. Айни кунларда мамлакатимизда ОТБ президенти Тадао Чино меҳмон бўлиб турибди. 6 ноябрь куни у Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

— Биз сизни нафақат Осиё тараққиёт банкидек нуфузли халқаро молиявий муассаса раҳбари, балки банк иши соҳасидаги етук мутахассис ҳамда Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожига улкан ҳисса қўшган йирик жамоат ва сиёсат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, Т.Чино Япония ҳукумати таркибида юқори лавозимларда фаолият кўрсаттан кезлари Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Ҳозир эса ОТБ президенти сифатида мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва юртимиздаги ислоҳотларни мунтазам қўллаб-қувватлашга бел боғлаган. ОТБ бошқа халқаро молия ташкилотларининг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ташаббусини илгари сурган. Бу ҳамкорлик энергетика, савдо ва транспорт инфратузилмаси соҳаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон 1995 йил августда ОТБга аъзо бўлганидан кейин ўтган вақт давомида банк мамлакатимиздаги 12 лойиҳа учун жами 645,5 миллион АҚШ доллари ажратди. Шунинг баробарида Ўзбекистонга умумий қиймати 27,2 миллион долларга тенг 44 грант берилди.

Ўзбекистон-ОТБ ҳамкорлиги ҳар уч йилда янгиланиб турадиган ҳамкорлик стратегиясига асосланади. Устувор йўналишлар сифатида қишлоқ хўжалиги, таълим, шаҳар ва транспорт инфратузилмаси, кичик ва ўрта бизнес соҳалари белгилаб олинган.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ ҳамкорлигида 2004-2006 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. 14 октябрь куни ОТБ Директорлар кенгаши уни тасдиқлаган. Мазкур дастур қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг 13 лойиҳани амалга оширишни кўзда тутади.

Ҳозирги кунда ОТБга 62 мамлакат аъзо. Осиё ва Тинч океани минтақасидаги 44 давлат қаторида унга Европанинг бир неча ривожланган мамлакатлари ва АҚШ қўшилган. Демак, Ўзбекистон учун ОТБ орқали кенг кўламда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имконияти ҳам мавжуд.

Тадао Чино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва ОТБ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил давом этажагини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.
Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 2003 йил 11 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 ноябрь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.

2. "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

4. "Хусусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

7. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

11. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таалluқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ҲИНДИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Н. ЎЛЖАБОЕВ).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синха Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик хизмат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумини имзолади.

Шу куни Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан музокара ўтказди. Музокарада Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.



Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ҳиндистон-Марказий Осиё минтақавий конференцияси бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Ҳиндистоннинг Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлил институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Таъкидландики, анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Анжуманда Марказий Осиё давлатлари, Ҳиндистон, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой, Туркия, Россия, Эрон, Афғонистон, Сингапур каби мамлакатлар ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО, Жаҳон банки ва ЕТТБ сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан элликдан зиёд мутахассис иштирок этмоқда.

Ҳозирги замонда шаклланган геосиёсий вазият халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёдаги долзарб муаммоларга қизиқишини оширмоқда. Шу боис анжуман кун тартибидан минтақавий хавфсизликка трансмиллий таҳдид, терроризмнинг замонавий кўриниши ва диний-сиёсий айирмачилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдосига қарши кураш, минтақада иқтисодий интеграция жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар жой олган.

Шунингдек, уч кунлик анжуманда халқаро хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ва унинг Марказий Осиёдаги барқарорликка таъсири, минтақада иқтисодий ҳамкорлик, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш ва транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга оид масалаларга эътибор қаратилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синха сўзга чиқди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳ.Кароматов Франция Республикаси Президенти Ж.Ширакка ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Айни пайтда Ж.Ширак Ўзбекистоннинг маданий ва илмий салоҳияти умумэътироф этилганини ва у Франция халқида ва шахсан унда қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

"Жаҳон" АА.

Олий Мажлисда

ДОРИ — ЖОН МАЛҲАМИ...МИ?

Аслида шундай бўлиши керак

Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова олиб борган комиссиянинг навбатдаги йиғилишида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах вилоятидаги ижроси хусусидаги масала кўрилди. Унда вилоятдаги "Деҳқон бозори", Жиззах шаҳридаги "Кўк бозор"да, Мирзачўл ва Пахтакор туманлари марказий бозорларида дори-дармон воситалари билан ноқонуний савдо қилаётган, махсус лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар устидан назорат олиб борилмаганлиги таъкидланди. Комиссиянинг депутатлардан иборат ишчи гуруҳи томонидан мазкур Қонун ижросини ўрганиш асосида шу нарсалар маълум бўлдики, вилоятда бу соҳада қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Тўғри, аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Жиззах дори-дармон" давлат акционерлик бирлашмаси таркибидаги дорихоналар, 84 та хусусий фирма ва дорихона ҳамда уларнинг 23 та шохобчаси бўлгани ҳолда хусусий дорихоналарнинг аксарияти санитария меъёр ва талабларига жавоб бермайди. Улар лицензия муддатлари ўтгандлигига қарамай иш фаолиятини олиб бормоқда.

Энг ачинарлиси, вилоят прокуратураси томонидан Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Жиззах бўлимида ушбу Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишда ҳомиладор ва гинекологик касалликлар билан хасталанган аёлларга берилиши керак бўлган жами 6 миллион 588 минг сўмлик дори воситалари дорихона собиқ мудири А.Раҳмонов томонидан ўзлаштирилиб, 165 минг сўмлик дориларнинг ишлатиш муддати ўтказиб юборилган.

Йиғилишда қатнашган Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Сайёра Тўйчиева депутатлар ишчи гуруҳи аниқлаган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоятда олиб борилаётган амалий ишлар хусусида батафсил тўхталган бўлса-да, бироқ билдирилган фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар шуни кўрсатдики, Қонун ижроси юзасидан ҳали яна анча ишлар амалга оширилиши зарур.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова иштирок этди.

Йиғилишдан чиқиб ўйлаб қоласан киши. Ахир бу соҳадаги камчиликлар бошқа вилоятларда йўқлигига ким кафолат беради? Олий Мажлисдаги бу йиғилиш бошқа вилоятдаги шу соҳа мутахассисларига ҳам сабоқ бўлса, деймиз...

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мавсумнинг қизғин нуқталарида

КАРВОНЛАР БОР, ХИРМОН ЎЙИЛУР

Ҳар ёнда тўкинлик,
Куздан нишона,
Ҳар ёнда гўзаллик
ёймиш дафтарин.
Сонсиз эгатларга
сочилмиш ана,
Менинг шодликларим,
эзгу дардларим...

Менинг она халқим,
Эй, қадим ҳалол,
Ризқи она-ерга
Сепилган халқим.

Увоқ чигитни ҳам
этмай деб увол,
Ҳар битта эгатга
эгилган халқим.
Бир нафас бошингни
кўтаргин-у боқ:
Ер юзида ажиб
виқор ва нуфуз,
Сенинг ўзинг каби
ўйчан ва қувноқ,
Хушфеъл бўлиб келмиш
тупроғингга куз.

Сафарбарлик

Атоқли шоиримиз лутф этган шундай фараҳли кунларда Тошкент вилоятининг Оққўрғон шаҳрига йўлимиз тушди. Илгари, шўролар замонида, биласиз, пахта йиғим-терими бошланиши биланоқ, ҳамма жойда машина ва автобуслар қатнови тўхтатилар, чойхоналарнинг эшикларига қулф солинар, ташкилот ва муассасалар, бозор ва дўконлар ёпилар, тўй-ҳашамлар барҳам топарди. Энг хунуги — шаҳар кўчаларида бирор жонзот кўринмас эди. Мабодо бундай «темир тартиб»дан бехабар кишилар учраб қолсалар борми, мелисалар уларни дарҳол тутиб, кимлигини ҳамда не мақсадда келганини сўраб-суриштириб ўтирмасдан, усти ёпиқ машиналарга чиқарар, хашпаш дегунча овлоқдаги пахтазорга элтиб ташлашарди. Шундан кейин ҳалиги бечоралар 10-15 килограмм пахта тергач, рухсат олиб, нотаниш жойдан ўз манзилларини қидириб кетишарди..

«Оқ олтин» деб улугланмиш пахтанинг бир қадар обрўсизланишига ҳозир тез-тез тилга олинаётган мантиқли сабаблар қаторида унга айни шундай муносабатнинг ҳам таъсири бўлганлиги ҳақиқатдир.

Қаранг, бугунги кунда эса бутунлай бошқача манзара: шаҳарда ҳаёт булоқдек қайнамоқда. Аслида унинг кўрку таровати, файзу зийнати шунда эмасми? Аммо осмон узилиб, ерга тушгани йўқ. Пахта йиғим-терими ишлари ҳам бир маромда олиб борилаяпти.

— Деҳқонларимиз заминнинг ҳақиқий соҳиби бўлганидан, иш юритишда мустақиллик берилганидан мамнун ҳолда ўз вазифаларини билиб бажармоқдалар, — деди туман ҳокими Турғун Ботиров. — Айни кунларда теримда 13 минг нафардан зиёд киши иштирок этаётгани бунинг исботидир. Бундан ташқари, пахта кеч етилганини ҳисобга олиб, бу ишга вилоятнинг пахтачилик билан шуғулланмайдиган туманларидан шартнома асосида 13 минг нафар ҳашарчи жалб этилган, 30 та терим машинаси сафарбар қилинган. Уларнинг кучи билан кунига қабул пунктларига йиллик шартнома режасига нисбатан 1,5 - 2 фоиз миқдорида саноат хомашёси топширилаяпти.

Айттандай, жорий йилда бир давлатга 15 минг 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,2 центнердан, жами 39 минг 220 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганмиз. Ҳозиргача туман бўйича уйилган хирмон 32,5 минг тоннадан ошди.

Телефон жиринглаб, унинг сўзини бўлиб қўйди.

—Яна хушхабар! — суҳбатдошимиз гўшакни жойига қўяркан, қувончини яширолмади. — Бир ҳафта бурун «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини туманимизда биринчи бўлиб адо этишган эди. Бугун эса Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг аҳдига вафодор деҳқонлари марраданўзишибди. Хўжалик бошқарувининг раиси Раҳимжон Ҳакимжонов сим қоқаяпти-ю, оғзи қулоғида денг! Яшшавор, азамат-э!

Нимаям дердик, бугун нафақат Раҳимжон аканинг, балки барча пахтакорларимизнинг ҳам шашти баланд, руҳи тетик.

Биз хўжаликларнинг далаларида бўлганимизда, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Пахтакор иш ҳақини вақтида олаяптими?

Оққўрғондан Сирдарёга элтувчи кенг ва равон асфальт йўлнинг икки чети кета-кетгунча пахтазор. Бу пайкалларда ҳали ҳосил кўп, октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги бошида тушган совуқдан сўнг япроқлари кахрабо тус олган тут қаторлари гўё уни ҳимоя қилиб тургандай. Худди шуни билгандек, баргсиз гўза чаноқларидаги пахта ҳализамон тошиб кетадигандай туюлади.

— Ўнг ва сўл томондаги карталар Охунбобоев номли ширкат хўжалигига қарашли, — изоҳ берди бир пайт ҳамроҳимиз, туман агросаноат бирлашмасининг мутахассиси Шуҳратжон Асратқулов. — Бу ширкат хўжалиги раиси Раҳимжон Ҳакимжоновни танийсизми?

— Йўқ, штабда у бошлиқ жамоа шартнома режасини бажарганини эшитдик, холос.

— Мен сизга айтсам, Раҳимжон ака — ер билан тиллаша оладиганлар тоифасидан. У иқтисодчи эмасми, ҳисоб-китобни жойига қўяди: агар бир сўм сарфлаб, уни 2-3 сўм қилиб қайтармаса, айтишларича, уйқуси келмас экан. Муҳими, раис янгиликка ўч, камсуқум, одамларга меҳрибон.

Шуҳратжоннинг гапидан яна шу нарса аён бўлдики, Раҳимжон Ҳакимжонов ўн йилдан буён шу хўжаликни бошқариб келаётган бўлса, ҳар йили шартнома режаси ошириб уддаланаркан. Ўтган йили давлат буюртмасини 108 фоиз бажарган ширкатчилар бу йил гектар ҳосилдорлигини 26,6 центнердан 36-37 центнерга етказмоқчи эмиш. Шунда шартномада белгиланганидан 400-450 тонна кўп пахта саранжомланиб, даромад 500 миллион сўмдан ошармиш...

Шундай ишбилармон ва меҳнат аҳлига қайишувчи раис билан кимнинг гурунглашгиси, суҳбатини эшитгиси келмайди дейсиз?

Раҳимжон Ҳакимжоновни хўжаликнинг машина-трактор паркида учратдик. У новча, қотмадан келган, қорамағиз, аммо мулойим чеҳрали, юзидан нур ёғилиб турувчи киши эди. Бизнинг сўзларимизга жавобан кулганча «Раҳмат!» деди-ю, айримларга ўхшаб мақтанишни хуш кўрмади.

— Бултур 137 та оилавий пудратчи ҳосилдорликни 40 центнердан ошириб, ҳар гектар ердан 237 минг сўмгача даромад олганини айтсам, бу гапимга ишонарсизлар балки? — тушунтира бошлади раис. — Бу йил, худо хоҳласа, уларнинг сафи янада кенгаяди. Айниқса, Эркин Ортиқбоев, Шокир Арслонов каби бош пудратчилар, Холқиз Турсунова, Комила Нурматова, Сабоҳат Қурбонова, Феруза Жумаева сингари оилавий пудратчилардан менинг умидим катта. Чунки пудрат айни шуларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартирди, онгини ўстирди. Муҳими, бугунги кунга келиб, гўза майдонининг 100 фоизини ўз тасарруфига олган 258 та пудратчининг пировард натижани олдиндан кўриб, ҳис этган ҳолда иш юритишни ўрганди. Ҳа, ишлашни эмас, ҳисоб-китоб орқали мустақил юритишни! Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир!

Раҳимжон аканинг нур ёғилиб турган юзига ногоҳ маъюслик қўланка солди.

— 2 та «Кейс»имиз бор, туман машина-трактор паркидан ижарага олганмиз, — деб сўзини давом эттирди у шу алфозда. — Шунинг учун бир оёғим паркда. Негаки, улар ишлаб турса, хирмонга кунига 30-40 тонна

(Боши. Давоми 2-бетда).

Пахта-2003

Қўша зафарлар

Сурхондарё вилоятининг ҳар соҳада илғор туманларидан бири — Қумқўрғонда пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаси бажарилди. Давлатга 27 минг тонна қимматбаҳо хомашё сотилди. Ҳосилдорлик эса гектарига 30 центнерга тўғри келди.

Қўриқ ерларда деҳқончилик қилаётган Бандихон тумани пахтакорлари ҳам 14,5 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаб, маррага етиб келдилар. Ҳар иккала туманда ҳосил йиғим-терими қизғин давом эттирилаётгани баробарида кузги-қишки тадбирларни ҳам бошлаб юбордилар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

Виждонини пулга сотганлар

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қонунга зид равишда қўшни республикаларга олиб чиқиб сотиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Айниқса, кўп меҳнат талаб қиладиган, «оқ олтин»ни арзимаган чойчақа эвазига айрим кимсалар томонидан ноқонуний тарзда қўшни давлатларга олиб чиқиб сотилаётгани кечирилмас ҳолдир.

Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан пахта хом-ашёси талон-торож қилинишига қарши жиддий чора-тадбирлар кўрилаяпти. Хусусан, 27 ва 28 октябрь кунлари ўтказилган рейд давомида Қўрғонтепа туманидаги айланма йўл орқали фуқаро Махсуда Исманова ўзига тегишли "М-412" русумли, давлат белгиси 17 К 2760 рақамли автомашинада 300 килограмм пахта хомашёсини қўшни Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетаётганида тўхтатилди. Избоскан туманида яшовчи яна бир фуқаро — Раҳим Ботиров 80 кг, пахтаободлик Ҳабибулло Йўлбарсов эса 100 кг. пахта хомашёсини айланма йўллар орқали, ҳеч қандай ҳужжатларсиз қўшни давлат ҳудудига олиб ўтмоқчи бўлганларида қўлга тушдилар. Дастлабки суриштирувларда маълум бўлишича, юқорида номлари қайд этилган фуқаролар пахта хомашёсини Андижон вилояти пахта далаларидан териб олганликларини айтишган. Бироқ уларнинг ҳеч бири, на бирон-бир ширкатнинг, на фермер хўжалигининг аъзоси эмас.

Сирдарё вилояти божхона ҳамда ички ишлар бошқармалари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган рейд тадбирида эса Сирдарё туманидаги "Синдоробод" жамоа хўжалиги ҳудудидаги айланма йўл орқали бир гуруҳ шахслар томонидан 357 кг. пахта хомашёси қўшни Қозоғистон Республикасига олиб ўтилаётган паллада тўхтатиб қолинди. Ҳозир дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

КАРВОНЛАР БОР, ХИРМОН УЙИЛУР

(Давоми. боши 1-бетда).

пахта қўшилади. Бу – 2 фоиздан ортиқ дегани. Бунинг ўрнига иккаласи ҳам кунора бир қилиқ чиқаради, зангғарлар! Эҳтиёт қисмлар йўқ-да. Уларни сотиб олайлик десак... – у, гўё «бу ҳақда мухбирга гапирайликми-йўқми» деганидек, бироз ўйланиб турди-да, сўнгра бундай деди: – Биз 1 октябрдан теримга тушган бўлсак, айтайлик, ўтган 24 иш кунида 1350 тонна, яъни салкам 400 миллион сўмлик пахтани заводга топширдик. Шунча хомашё биласизми, пахтакорнинг мисли кўрилмаган меҳнати, уйқусиз тунлари ҳисобига уйилган. У увоқ чигитни «оқ олтин»га айлантиргунча йил-ўн икки ой, хоҳ қаҳратон қиш, хоҳ жазирама иссиқ бўлсин, дала бошидан кетолмайди. Шундай экан, нима учун завод октябрь ойида қабул қилиб олган ўша 1350 тонна пахтамиз учун якуний ҳисоб-китобни 8-9 ойдан кейин амалга ошириши керак?

Агар лоақал топширилган янги пахта ҳосилининг 10-15 фоиз пули ўз вақтида, аниқроғи, шу кунларда берилса, техника воситаларига эҳтиёт қисмлар харид қилиш масаласи ҳал этиларди, шу билан бирга, хўжалик ҳудудидаги бинолар, қозонхоналар, мактаб ва боғчалар, ташкилотларнинг иссиқлик тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш юмушлари ҳам беками-кўст бажариларди. Айтмоқчиманки, ҳар бир хўжаликда пахтадан ташқари инсон ҳаёти билан боғлиқ бошқа ташвишлар ҳам етарлидир.

Шу ўринда раиснинг куюнчаклигини тушуниш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилиб сотилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг пули ўз вақтида тўлалигича берилмаслиги ёки кечиктириб берилиши охир-оқибатда умум ишига таъсир қилмоқда. Ахир, чўнтаги пул кўрмаган кишининг қўли ишга борадими? Ойлаб иш ҳақини кутган одамнинг меҳнатдан кўнгли совимаслигига ким кафолат бера олади? Буни республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги ширкат ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари ҳам таъкидламоқдалар.

Фермерлар ва пудратчилар

«Мурод» фермер хўжалиги раҳбари Бобожон Наввотов уч йилдан бери сурункасига шартнома режаларини ошириб бажариб келмоқда. Бултур у бошлиқ кичик жамоа 10 гектар майдондан гектар ҳосилига 35 центнердан «Оқ олтин» йиғиштириб олиб, якунда 3,5 миллион сўм даромад олган эди. Бу йил ҳам ана шу фермер хўжалигида биринчи бўлиб давлат буюртмаси уддаланди. Ҳозиргача эса ҳосилдорлик 27 центнер ўрнига 37 центнерни ташкил этди. Эндиликда фермер 40 центнерлик маррани кўзламоқда».

қарор ҳосилни олиб бўлмайди.

Унинг издошлари қўшни «Қонқа» ширкат хўжалигида ҳам бисёр. Хусусан, «Ўлмас ота», «Бовуржон», «Қамбар ота» фермер хўжаликлари бир неча кундирки, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта хомашёси топширмоқдалар.

— Фермерлар бор бўлсин! — дейди шу ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдусамад Бўриқулов. — Улардан ўрнак олиб, бизнинг асосий таянчимиз бўлмиш оилавий пудратчилар ҳам бўш келмаяпти. Ўтган кунлар ичида 10 дан зиёд пудратчи маррадан ўзгани бунга мисол бўла олади.

Ҳозирги қуёшли кунларда хирмонга уйилган ҳар тонна хомашё ноябрнинг ўрталаридаги ўн, ҳатто юз тоннадан аълороқ ва қимматлироқдир. Шу боис ширкат хўжалигида қимирлаган жон далага сафарбар этилган бўлиб, чаноқлардан тошиб чиқай деб турган момиқдай пахта пешма-пеш териб олинмоқда. Зеро, «Ҳали вақт эрта» дейдиганлар эртага панд ейишлари аниқдир.

Тола — ягона мақсад

Тумандаги Охунбобоев номли, «Оққўрғон», «Қонқа», Султон Сегизбоев номли ва Акмал Икромов номли ширкат хўжаликларида механикҳайдовчилар, теримчилар йиғиб-териб олган хомашёни «Оққўрғон пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари қабул қилиб олишмоқда. Бу ерда, таъбир жоиз бўлса, кечаю кундуз ҳаёт мавж урмоқда.

— Пахтакор ютуғи — бизнинг ютуғимиз, — дейди корхона директорининг ўринбосари Шерназар Маманазаров. — Бу шунчаки гап эмас. Бизда шундай анъана бор: ҳар йили далаларга чиқиб, деҳқонлар билан ёнма-ён юриб, қайси картада қанча ҳосил тўпланганлигини кузатамиз. Бу ҳол кейинчалик навларни белгилаш, ҳосилни сақлашни жойига қўйишда асқотади. Устига устак, пахта — деҳқонларники, биз — мезбон. Уларни ҳар қанақа об-ҳаво шароитида кутиб олмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Буюртмачи сифатида эса далалардан келтирилган пахтани, эртамикечми, қабул қилиб олишга мажбурмиз. Шунинг учун мавсумга пухта тайёргарлик кўрдик. Мавжуд майдончалар, айвонлар, омборлар, юкловчи ва узатувчи, «оқ олтин»ни қуритувчи ва унинг намини сўрувчи мосламалар, ўт ўчирувчи машина ва сув узатувчи насослар барвақт, сифатли шайлаб қўйилди. Пировардида терим қайноқ нуқтага чиққан дамларда ҳам довдираб қолмадик. Нега деганда, кунига айрим жамоалардан йиллик режага нисбатан 3-3,5 фоиз миқдорида пахта олинган кунлар ҳам бўлди-да!

Ҳозир меҳнат аҳли анчайин хотиржам, аммо масъулият унутилмаяпти. Чунки бундай саъй-ҳаракатлар туфайли қайта ишланаётган бир килограмм пахтадан 34 фоизгача тола чиқмоқда. Аслида асосий мақсад ҳам шудир.

Ана, завод дарвозасидан пахта ортилган тележкаларни етаклаган трактор карвонлари кириб келмоқда. Эй, одамлар, уларни олқишланг! Ана шу карвонлар бор экан, хирмонлар уйилаверади. Қолаверса, шу мақсадда Анора Сиддиқова раҳбарлигидаги лаборантлар хизматга ҳозиру нозир. Товар қабул қилиб олувчи Сафарали Бўкабоев ва назоратчи Исфара Султонова сергак. Ғарамчилару ишчилар Усмон Хўжаев, Чори Юлиев, Ўринқул Абдуллаевларнинг эса қўли-қўлига тегмайди.

Ана шундай манзара, ғайрат-шижоат, сафарбарлик «Алимкент пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятида ҳам ҳукмрон. Ҳар иккала заводда Оққўрғоннинг 39 минг 220 тонналик жавоҳир хирмони кун, ҳатто соат сайин бўй кўрсатмоқда. Бу хирмондаги пахтага эса туман пахтакорларининг қалб қўри, меҳр зиёси, машаққатли меҳнати йўғрилган. Шундан у ҳамиша бебаҳо ва мафтункордир!

Икром ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: Оққўрғон туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалиги илғор пудратчиси Муҳиддин Тошбоев.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

АДОЛАТГА МЕЗОНДИР У

Буюк юнон файласуфи Менандр "Адолатсизлик қилмайдиган одам адолатпарвар эмас, балки адолатсизлик қилиши мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган одамгина адолатпарвардир", деганида минг карра ҳақ эди. Бундай олиб қараганда, адолатли бўлиш учун кўп нарса билиш шарт эмас. Дейлик, автобусда кететуриб, кекса кишига ҳиммат кўрсатдинг — жой бердинг. Ваҳоланки сен бунинг учун қайси бир ҳужжатнинг қайси бир боби ёки моддасини ўқишинг, шундан хулоса чиқарган ҳолда бир қарорга келишинг талаб этилмайди. Кекса кишини кўрдингтурдинг жой бердинг—адолатли иш қилдинг. Ваҳоланки, шу онда сен адолат ҳақида хаёлингга ҳам келтирмайсан. Аммо адолатсизлик қилиш учун қонунларни атрофлича ўрганиб чиқишга тўғри келади. Яратган ҳар бир бандасини ана шундан асрасин. Зеро, кир кўнгил билан ҳақиқатга эришиб бўлмас.

"Адолат — қонун устиворлигидадир" деган шиор биз қураётган жамиятнинг бугуни ва келажагини кундай равшан қилиб турибди. Биз эрта-индин 11 йиллигини нишонлайдиган муқаддас Конституциямиз бошдан-оёқ ана шундай адолат тамойили билан йўғрилган. Унинг 2-моддасида: "Давлат халқ манфаатини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилган. Бу — фуқаролар манфаатининг устунлиги Бош қомусимизда қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган деганидир.

Бундай имкон ва имтиёзни бизга Истиқлол инъом этди. Мустақиллик шарофати билан ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий эркинлиги муқаддас деб эълон қилиниб, давлат ҳимоясига олинди. Ахир, шўро замонида одамлар адолат излаб самолётларда Масковга қатнадилар, Кремлга сажда қилдилар, лекин на ердан, на осмондан, на Кремлдан топа олдилар уни. Топаолмасдилар ҳам. Алалоқибат, "Сибирь конларининг тагида", Тайга ўрмонлари пучмоқларида адолатни излай-излай, куйлай-куйлай жон таслим қилдилар. Чунки у замонларда шахс манфаати бир чақа эди, инсон ҳақида ҳеч ким ўйламасди ҳам. Давлат ва партия манфаати устувор ўринда турарди. Ҳатто жиноят мажмуаларида ҳам давлат ва фуқаро мулкларини талонторож қилганлик тўғрисидаги жазо тайинлашларда фарқ бор эди. Давлат мулкини ўғирлагандар 4-5 йилга "кесилса", фуқаро мулкига кўз олайтирганлар оддий жарима билан ҳам қутилиб кетаверар эдилар. Ўз фуқароси манфаатини ўйламаган давлат ҳам давлатми? У бир кунмас бир кун емирилади, "Буюк империя" каби ундан ном-нишон ҳам қолмайди. Ахир давлат манфаати биринчи ўринда турган, фуқаро, шахс манфаати деярли ҳисобга олинмаган, барча бойликлар ва мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келинган мамлакатнинг узоқ яшаб қолиши ҳам мумкин эмас эди.

Мустақиллик бизга катта имконият берди. Тақдиримизни ва келажак йўлимизни ойдин ёғдулари билан нурлантирди. Халқимиз ва ватанимиз манфаатидан-да улуғ мақсад йўқлиги тушунчаси тафаккуримизни эгаллади. Ана шу ниятларни амалга ошириш учун қонунчилик мамлакати барпо этишга киришдик. Зеро, юқоридаги ҳақсизлик ва адолатсизликлардан юраги зада бўлган халқимизнинг ягона орзуси ҳам адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш эди. Конституциямиз эса ана шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида

мужассамлаштирган, унинг шакл-шамойилини, қиёфасини яратган. Олий Мажлисда қабул қилинаётган қонунларимизнинг мезони ҳам шунга мослаштирилган, соддароқ айтганда, қонунларимизнинг лойи Конституциямиз тупроғидан олиб қорилган.

Қонунга итоат ҳар биримизнинг кундалик турмуш тарзимизга айланиши лозим. Бугунги кунда ҳаётимизда учраётган салбий иллатлар эса бизнинг қонунларни билмаслигимиз ёки унга итоат этмаслигимиз оқибатидир. Масалан, Гурлан мамлакатимизнинг чекка ва бошқа давлатлар билан чегарадош туманларидан бири. Шу туфайли кейинги пайтларда нияти нопок айрим кимсалар нафақат божхона постларини, ҳатто қонунларимиз чегараларини ҳам четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғри, ҳар қандай ноқонуний ҳаракат жазоланади. Қонунни билмаслик бу жазодан озод бўлиш дегани эмас. Бироқ бу ҳолатдан биз қонун ҳимоячилари мағрурланмаслигимиз керак. Токи жамиятда битта жиноятчи бор экан, битта жиноят содир этилган экан, демак, бизнинг ўйлаш, бу ҳақда фикр юритиш, қонунларимиз ижросини ҳаётга чуқурроқ татбиқ этиш ҳақида жиддий чоралар кўриш учун масъуллигимиз ошаверади. Зотан, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, масъулият устувор бўлмаса, қонунларимиз ва анъаналаримиз ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиш қийин. Бош Қомусимизнинг 48-моддасида "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар", дейилади. Демак, бу эскича тасаввур ва психологиядан ҳам қутилишимиз, янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим бўлади. Эндиликда ўзгалар тақдирига бефарқлик касалидан қутилиб, инсон эркинликлари ҳар бир киши учун бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этишимиз керак. Тафаккур эркин, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса инсон тўла озод бўлолмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, адолатни четдан эмас, энг аввало, ўзимиздан, тафаккуримиз тиниқлиги-ю, қалбимиз мусафолигидан ахтарайлик. Бунда эса бизга Конституциямиз ҳар томонлама қўмакчи ва тўғри йўл кўрсатувчи қонуний ҳужжатдир.

Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур, дейдилар. Биз қонун ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлганимиз учун ҳаётда ноқонуний ҳодиса ва воқеаларга кўп дуч келамиз. Уларнинг қонуний ҳал этилишида бевосита иштирок этамиз. Демак, содир бўлган адолатсизликлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасида мулоқотлар уюштиришимиз, матбуотда тез-тез чиқишлар қилиб туришимиз лозим. Бу борада ҳам туман прокуратура ходимлари ижобий ишларни амалга оширмоқда. Мактаб ва лицейларда, хўжалик ва корхоналарда ҳуқуқий маслаҳатлар олиб борилмоқда, маҳаллий матбуот ва радиотелевидение орқали тушунтиришлар берилмоқда. Зеро, ҳуқуқий онгни шакллантириш, энг аввало, бизнинг вазифамиздир. Президентимиз таъкидлаганидек, биз одил демократик жамият барпо этяпмиз. Одиллик, яъни адолат эса — қонунийликда, уни адолатли ижро этганликда. Демак, адолатли жамиятнинг асоси адолат мезони ҳисобланмиш Конституциямизнинг устувор даражадаги фаолиятига боғлиқ. Барча амалларимиз адолат қаричи билан ўлчанмоғи керак. Асосий Қонунимиз эса барча саъй-амалларимиз асосидир.

Қўчқор РАҲИМОВ,
Гурлан тумани прокурори.

Хабарлар оқимидан

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида Германиянинг Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Науманн жамғармалари билан ҳамкорликда "Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

"Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол"

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад маҳалладаги долзарб масалаларга умумий қараш ва ёндошувларни шакллантириш, шунингдек, бу борада тадқиқот олиб бораётган хориждлик олимларнинг илмий ишлари натижаларини сарҳисоб қилишдир.

Анжуманда мамлакатимизда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими истиқболлари, «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг ижроси ҳақида сўз борди.

Германиялик олимлар ҳам ўз юртларидаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимлари, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида сўзлаб бердилар.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Миср университетида ўзбек тили ўрганилади

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошида фаолият кўрсатаётган

маданият маркази яхши ташаббус билан чиқди. Марказнинг саъй-ҳаракати билан Тошкент давлат педагогика университети ва Мисрдаги Хелван университети ўртасида ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилди.

Эндиликда Тошкент педагогика университетида араб тили, Хелван университетида эса ўзбек тили ўқув-машғулотлари олиб борилади.

"Туркистон-пресс"

"Тоштўқимачи" очиқ турдаги акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги турдош корхоналар ичидаги энг иқтисоди бақувват корхоналар сирасига киради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ип ва ипгазлама маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки ҳамдўстлик давлатларида ҳам ўта харидоргир.

Сиз суратда кўриб турган икки дугона — Мунира Турдибоева ва Мадина Жамшидовалар корхонанинг калавалаш-тандалаш цехининг илғор ишчилари.Яқиндагина корхонада шогирд сифатида иш бошлаган бу икки қиз бугунги кунда ёшларнинг устози. Жамоада ўз ўрнига эга.

Козимжон ЎЛМАСОВ олган сурат.

Бир-бирини кўрмаган... ота-бола

Самарқанддан чиқиб Қарши томон ярим соат йўл босар-босмас кўзимиздан яшил ранглар чекиниб, ўз ўрнини сариқ-жигарранг тусларга бўшатиб берди. Аттанг, йўлга сув ола чиқмабмиз. Чанқов қийнай бошлади. «Тико»нинг очиқ ойналаридан шамол эмас, мисоли олов ёпирилади.

Хайрият, йўлнинг ўнг-чапида лалми тарвузлар кўрина бошлади. Уларнинг палаги жўякнинг фақат бир томонини эгаллаб, ёйилиб ётарди. Кўп ўтмай кўзимиз тўртта ходага сурпдан офтобтўсгич қуриб олган йигитларга тушди. Даштнинг тарвузи асал бўлмаса ҳам, ундан сал берироқ эди. Кошки шу билан чанқоғимиз қонса. Юз-кўзимиздан тер қуйилади. Уни ҳатто шамол ҳам қуритолмайди. Йигирма чақиримлардан сўнг тепаликда намоз ўқиётган чолни кўрдик. Ҳайдовчи ҳамроҳимиз машинани чол томонга бурди. Ғилдирак остида эзилган ёвшон ва шувоқнинг ҳиди гуркираб кетди. Чолга етмасдан машина тўхтади. Чол ўзига яқин борган Бойжигит Абдуллаевга бир қараб қуйди-да, қўлининг имоси билан сал нарида турган чопонга ишора қилди. Чопон остида оғзи чилвир билан боғланган меш бор экан. Галма-гал сув ичдик. Чол саждадан бош кўтармасди. Кетар чоғимиз у яна бошини енгилгина силкаб, хайр-хуш қилди.

Димоғида ёвшону шувоқ бўйини, оғизда эса муздек булоқ сувининг таъмини туюб манзилга етиб бордик. Тўйга нима етсин. Дийдор, ҳозиргина музхонадан келтирилган турли-туман чанқовбосди ичимликлар, шўх яллаю мастона қийқириқ бизни йўл азобини унутишга кўндириб қўяқолди. Қаршининг сўлим боғлари, кафтдек текис йўлу йўлаклари, салқинлар уфурган сўлим оқшом бу ерда илк марта бўлган кишининг хаёлига, «Наҳотки шундай тўзал маскан олов ёғилаётган чўл бағрида жойлашган...» деган сўзларни жойлайди...

Юлдузлар сўнгги бор милтилладию тонгдан мен элчиман дея маъно қилувчи чумчуқларнинг чирқиллашидан уйғониб кетдик. Биз оқшомни ўтказган боғдаги чинорлар, арғувонлар, тиниқ осмон кўксига ханжар сингари санчилиб турган мирзатераклар гўзаллик тимсоли эди. Биз йўлдан чўчимасдик. Энди сафар халтамизда соқоллари ўсган чолнинг тасвири туширилган елим сув идишлари бор эди. Машина ойнасидан иссиқ ҳавога қўшилиб кўкда сайраётган бузтўғайнинг овози киради. Ойнадан бошимизни чиқариб уни кўрмоқчи бўламиз. Бироқ кўролмаймиз. Митти қуш осмоннинг юксак бир нуқтасида тўлиб-тошиб сайрайди. Бир соатлар юргач ҳамроҳларимиз бугур қилиб қолишди. Йўлнинг чап томонига қарасам кечаги кўрган таниш чолимиз яна ўша тепалик устида намоз ўқиб ўтирибди. Ҳайдовчи яна машинани тепалик томонга бурди. Машинадан тушиб, чўнқайиб ўтирганча ибодатнинг адоғини кутдик. Ниҳоят, кутган одамимиз қора ласдан қилинган белбоғ-жойномозини қоқиб ташлади-да, уни белига боғлади. Сўнг ўнг қўлини кўксига қўйиб биз томонга кела бошлади. У бизни таниди шекилли лабларининг зийларида тарихи атиги бир кунлик бўлган танишликнинг илиқ-иссиқ табассуми бор эди. «Ҳай-ҳай»имизга қарамай, бизни сойга етаклади. Сойда иккита сада, беш-ўн туп тол, ғиштдан кўтарилган бир мўъжаз уй бор эди. Уйдан шолчаю кўрпача чиқариб сада остига солган танишимиз бизни бир муддат холи қолдирди. Кейин елкасидаги хуржунинг икки кўзини тўлдириб қовунтарвуз келтирди. Суҳбат гурилладди. Кетайлик десак Даврон бобонинг қизиқ-қизиқ ҳангомалари оёғимизга тушов бўлиб турарди.

— Қўрқмайсизми? – деди шерикларимиздан бири.

— Нимадан?

— Бўри-мўридан, ёмон одамлардан...

— Э улим, туни билан ҳув анови шохдаги фонус ёниб туради. Ёмон одамлар эса менинг олдимга келмайди. Келганда нимани ҳам оларди? Манови эски кўрпаю ёстиқларнимі? Жондорлардан эса сираям кўрқмайман. Сойнинг тубидаги булоқдан оқшоми билан тулки, чиябўрилар сув ичади. Тонгда эса у ерга какликлар эниб келади. Кейин мен бораман. Яратган эгам ҳаммамизни иттифоқ бўлиб яшашга ундаганда.

Беш вақт намозни канда қилмайдиган бу чол бир чақирим наридаги булоқдан тўртта мешда сув ташиб қовун суғораркан. Қирнинг икки бетидаги янтоқларни кетмон бети баравар ўйиб, томирдан келаётган намга уруғ ташларкан. Бирикки қулоч бўлиб палак ёйган лалми тарвузлар худди қирнинг елкасига ёпилган яшил тўнга ўхшайди. Даврон бобонинг қовун-тарвузларига буёғи Самарқанду Тошкентдан харидор келар экан. Молини кўтара берадиган чолнинг ўғил-қизидан пайдо бўлган еттита невараси турли шаҳарларда ўқир, уларнинг бир йиллик кийим-боши, ейиш-ичиши бобомизнинг елкасида экан. Бобомиз қирқ йил трактор минибди. Кейин бу ёққа келибди. Шунга ҳам етти йил бўлибди.

Бобомиз энди оддий чол эмас, шу десангиз бизгада бобо бўлди. У машинага беқасам тўнли иккита қовун, иккита тарвуз солди. Кейин шундай деди:

— Ҳар гал манови тепалик устида ўтириб намоз ўқиб, ўтирибди. Ҳайдовчи яна машинани тепалик томонга бурди. Машинадан тушиб, чўнқайиб ўтирганча ибодатнинг адоғини кутдик. Ниҳоят, кутган одамимиз қора ласдан қилинган белбоғ-жойномозини қоқиб ташлади-да, уни белига боғлади. Сўнг ўнг қўлини кўксига қўйиб биз томонга кела бошлади. У бизни таниди шекилли лабларининг зийларида тарихи атиги бир кунлик бўлган танишликнинг илиқ-иссиқ табассуми бор эди. «Ҳай-ҳай»имизга қарамай, бизни сойга етаклади. Сойда иккита сада, беш-ўн туп тол, ғиштдан кўтарилган бир мўъжаз уй бор эди. Уйдан шолчаю кўрпача чиқариб сада остига солган танишимиз бизни бир муддат холи қолдирди. Кейин елкасидаги хуржунинг икки кўзини тўлдириб қовунтарвуз келтирди. Суҳбат гурилладди. Кетайлик десак Даврон бобонинг қизиқ-қизиқ ҳангомалари оёғимизга тушов бўлиб турарди.

— Қўрқмайсизми? – деди шерикларимиздан бири.

— Нимадан?

— Бўри-мўридан, ёмон одамлардан...

— Э улим, туни билан ҳув анови шохдаги фонус ёниб туради. Ёмон одамлар эса менинг олдимга келмайди. Келганда нимани ҳам оларди? Манови эски кўрпаю ёстиқларнимі? Жондорлардан эса сираям кўрқмайман. Сойнинг тубидаги булоқдан оқшоми билан тулки, чиябўрилар сув ичади. Тонгда эса у ерга какликлар эниб келади. Кейин мен бораман. Яратган эгам ҳаммамизни иттифоқ бўлиб яшашга ундаганда.

Беш вақт намозни канда қилмайдиган бу чол бир чақирим наридаги булоқдан тўртта мешда сув ташиб қовун суғораркан. Қирнинг

Орамиздаги одамлар

намоз ўқийди. Қўли меҳнатда, дили оллоҳда бўлган ана шу бобомиз кун бўйи сойдан полизга, полиздан сойга эшак билан қатнайди. Тўқим устида тўртта меш. У ҳар тонг какликлар билан ёнма-ён туриб булоқдан сув ичади.

... Аввал Сирдарё вилоятига қараган, ҳозирда Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани ҳудудида жойлашган Баландчақир қишлоғида Эргаш исмли бир йигит яшарди. У дорихонада ишларди. Чанговуд қишлоғининг этагида жойлашган булоқни қўлинг ўлгурсин қилиб созлади. Ўтга, ёмғирга, қорга чидамли бир машина ғишт олиб келдида, булоқнинг чор-атрофини одам бўйи қилиб кўтарди. Булоқнинг саҳнини бетонлади. Тўрт бурчак деворнинг ҳар битта бурчагига оқпидла ўрик ниҳолларини ўтказди. Йўлакча атрофига турли-туман гул уруғларини сочди. Булоқ эмас, жаннатнинг бир бўлагига айланди бу жойлар. Ўн-ўн беш йил муқаддам бу жойда қирралари туртиб турган бир темир қувур бор эди. Сув ичмоқчи бўлганларнинг оғзи қонар, оёғи тойиб, балчиққа беланарди.

Ярим йил ўтар-ўтмас одамлар бу жойни Эргаш булоқ, дея атай бошладилар. Уни қурган одам менга ака бўлди. Тузуккина аҳмоқлик бўлсада бу қурилиш неча пулга тушганлигини сўраганимда акамнинг феъли бузилиб, бинойидек қовоғи уюлди. Бир муддат жим турдида, кейин шундай деди.

— Ёшим элликка борди. Шунча йил елдик-югурдик. Бировга рост, бировга ёлғон гапирдик. Биласан, яқинда қаттиқ касал бўлдим. Тушимда соқоли оппоқ, эгнибоши оқ матоли нуроний чолни кўрибман. «Болам, тараддуд кўр... Сафарга чиқар вақтинг келаяпти...» деса бўладими! Шундай майин, шундай секин гапирдики, танам жимирлаб кетди. Ҳовлига чиқиб узоқ вақт айланиб юрдим. Таҳорат олиб, намоз ўқидим. Кўнглимга хайрли бир иш қилиш нияти тушди. Қўй-қўзимни сотиб мана шу жойни қўлимдан келганча обод қилдим. Мисоли елкамни босиб турган бир нима тушиб кетгандай бўлди. Юрагим равшан тортди...

Эргаш булоқ ибрати одамларга юқди. Баландчақир, Пучуғор, Сармич қишлоқларидаги булоқлар ҳам ободликка юз тутди. Одамлар басма-басига, талашиб-тортишиб тегирмонлар қуришди. Кўприклар тузатишди. Ёпилган булоқларнинг кўзлари очилди. Борлари эса чиройли бир масканларга айланди.

Бу гапларни Эргаш булоқни мақташ учун ёзмаяпман. Аслида менда бошқа гап бор. Менда алам бор, дард бор. Тўрт йил муқаддам Чанговулга йўлим тушди. Не кўз билан кўрайки, булоқ атрофидаги оқпилла ўрикларнинг иккитаси синдириб ташланганди, беш-олтита ғишт кўчириб олинганди. Булоқдан сал наридаги шағал уюмига ўтириб акамни эсладим. Бир одам қилган ва қилмаган гуноҳлари учун яратган эгам қаршисида тавалло қилди. Гапирган ва гапирмаган росту ёлғон сўзлари учун тавба-тазарру қилди. Дарахт ўтқазди, гул уруғи сепди. Кичик бир иморат қурди. Булар аслида дарахт эмасди, гул эмасди, балки Эргаш акамнинг юрагидан чиққан нола эди.

Синган дарахтга тикилиб кўнглим бузилди. Ерда ётган ғиштларга кўзим тушиб кўнглимда алам кезинди. Мен аниқ биламан, бу дарахтни умрида биронта ҳам ниҳол ўтқазмаган одам синдирган. Ғиштларни ҳаётида биронта иморат қурмаган кимса кўчирган.

Бу йил яна йўлим ўша томонларга тушди. Синган ниҳоллар ўрнида бошқа ўрик ниҳоллари барқ уриб ўсиб турарди. Девор ҳам тузатиб қўйилганди. Булоқдан кўш ҳовуч сув ичиб, юзимни ювдим. Руҳ деймизми, кўнгил деймизми, ишқилиб ўша осмонда нимадир чарақлаб кетгандай бўлди.

... Эргаш булоқ энди орамизда йўқ. Аммо унинг номи қолди. У ном сўрамади, у мақтов тиламади. У ўз кўнглининг кўчасидан юрди, холос. Бизни бу ҳаётга ҳеч ким боғлаб қўймаган. Биз бу йўлда оддий бир йўловчимиз. Мана шу булоқ яна неча асрлар қайнаб тошаверади. Неча асрлар одамларнинг танини яйратаверади. Шу булоқ бор экан, Эргаш исмли бир одамнинг номи одамларнинг тилида яшайаверади...

Даштт. Шувоқлар гуркирайди. Кесилган тикон танасидан бахраманд бўлган палакларда тарвузлар, қовунлар шарбат боғлайверади. Тепаликда менинг Даврон бобо исмли бир бобом яратгандан одамларга тинчлик, янада яхши кунлар тилаб дуога қўл очаверади. У ҳар тонг какликлар билан бирга булоққа эниб, сув ичаверади.

Чанговул! Бу ерда ҳам шувоқлар иси одамни маст қилаверади. Одамни сел қилаверади. Булоқ эса қайнагани қайнаган. У ўз қўшиғини тонгда ҳам, тунда ҳам, чощгоҳу номозшомда ҳам куйлашдан бир зум толиқмайди.

Даврон бобом билан Эргаш акам бу дунёда бирон маротаба учрашмадилар. Учрашмасаларда улар отабола эдилар, улар эт билан тирноқ эдилар.

Тўғрайлар – менинг митти яллачиларим! Сиз хоҳ Қарши даштида, хоҳ Чақир даштларида сайраманг, мен барибир сизнинг қўшиғингиз қатида нелар борлигини аниқ биламан. Сиз яхши одамларнинг эзгулик йўлида қилаётган ишларини бобоқуёшга сўзлаб бермоқчи бўласиз. Сиз одамлар меҳрини қуёшга қадар олиб чиқиш учун куйлашдан толмайсиз. Менинг миттиларим, сизлар аслида ким не деса десину эзгулик булоғидан сув ичаётган одамларга ўхшайсиз...

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Миннатдорчилик

Япония молия вазирининг махсус маслаҳатчиси, Япония Тараққиёт банкининг бош ижрочи директори, Васеда университети профессори, Ўзбекистон Банк - молия академияси проректори Тошихару Китамура Ўзбекистоннинг яқин дўстларидан бири сифатида халқимизга яхши маълум. Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов Фармони билан жаноб Китамура мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта ҳиссаси, республиканинг банк ва молия тизимига юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлигининг Токиодаги мухбири профессор Т.Китамура билан учрашди.

ЯПОН ОЛИМИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

– Менга мазкур улуғ мукофот берилганидан бениҳоя хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига ва барча Ўзбекистон халқига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ушбу мукофот ортида нафақат менинг, балки икки мамлакат ҳамкорлигига ҳисса қўшаётган юзлаб кишиларнинг беминнат меҳнати ётибди. Таълим соҳаси, хусусан, ёш кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда менга Ўзбекистон ва Японияда жуда кўп ҳамкасбларим яқиндан ёрдам беришаётганини таъкидлашни истардим.

– Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда, айнан, нималарни қайд этишни истардингиз?

– 1996 йилнинг ёз фаслида Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрганимда республика олдида турган муҳим иқтисодий масалалар талайгина эди. Шулардан бири – Ўзбекистон Республикаси йирик халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликни такомиллаштиришга жиддий эътибор бераётган эди.

Ўша пайтларда Банк-молия академиясидаги фаолиятимдан ташқари Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш мақсадида республикангизга ташриф буюрган айрим япон делегацияларига раҳбарлик қилдим. Шу туфайли мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Сўнгги йилларда давлатингиз қўлга киритаётган муваффақиятлардан ниҳоятда хурсандман. Хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг 8-моддасида белгиланган шартларни бажариш борасида жорий йилнинг 15 октябридан бошлаб Ўзбекистон томонидан қўйилган муҳим қадам катта аҳамиятга эга. Мазкур воқеанинг гувоҳи бўлган халқаро ҳамжамият аъзолари ўзларининг самимий мамнунликларини изҳор этишмоқда. Чунки бу каби тарихий муваффақиятга ҳеч бир давлат ўз вақтида осонликча эришмаган.

– Ўзбекистонда банк-молия тизими учун етук мутахассисларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикрингизни билишни истардим.

– Биз Банк – молия академияси орқали юздан зиёд мутахассисларни Токиога малака ошириш курсларига жалб этдик. Муҳими, уларнинг билимга чанқоқлиги ва тиришқоқлиги Японияннинг ушбу соҳа мутахассислари ва ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Биз бошқа мамлакатлардан, айнан шундай қисқа ўқув ва малака ошириш курсларига келганлар орасида бу каби фаол ёшларни учратмаган эдик.

Ўзбекистонлик ёшларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадларига жиддий муносабатлари жуда кўп нарсадан гувоҳлик беради.

– Жаноб Китамура, Ўзбекистонга илк ташрифингиз ёдингиздан кўтарилмаган бўлса керак...

– Серқуёш юртингиз дастлабки кунларданоқ, оддий сўз билан айтганда, – мени ўзига ром этди.

Мен сизга бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бундан бир неча йил муқаддам Фарғона водийсидаги Косонсой деган жойга борганман. Ўшанда маҳаллий кишилар билан дарё ёқасида ўтириб, дастурхонга тортилган миллий таомлардан тановвул қилаётган эдик. Улар билан дўстона суҳбат қизғин давом этар эди. Атрофимдаги оддий кишиларнинг бир пайтнинг ўзида турли мавзуларда – юрт тарихи, миллий маданият ва кундалик ҳаёт ҳақида мароқли гурунглашишини кузатиб, тўғриси, ҳам ҳузур қилганман, ҳам ҳайратда қолганман.

Минг афсуски, биз японлар бугунги кунга келиб ўзаро осойишта ва бафуржа суҳбат қуриш, айниқса, дўст-ёрлар орасида дилдан вақт ўтказиш каби одатларни деярли тарк этганмиз.

Японияга қайтганимдан кейин бу воқеа тўғрисида кўплаб кишиларга гапириб бердим. Улар «Ҳа, биз Японияда инсонлар учун ўта муҳим бўлган анъанавий муносабатларни йўқотаяпмиз. Ўзбек халқи эса бу каби самимийликни кўз қорачиғидек сақлаб келаяпти», дея бош силкитишган эди.

— Шу йил ноябрь ойининг ўрталарида Тошкентга навбатдаги ташрифингизни режалаштираётган экансиз...

– Мен бу гал Ўзбекистонга Япония Молия вазирлигидаги ҳамкасбларим билан боришни мўлжаллаяпман. Ташрифимиз чоғида республикадаги тегишли вазирликлар ва ташкилотларда учрашувлар ўтказиш, Банк-молия академияси, Навоий шаҳридаги иқтисодиёт коллежи ва бошқа ўқув дастгоҳларида лекциялар ўқишни режалаштирганмиз.

Суҳбатимиз сўнггида эса мамлакатингизнинг ажойиб ёшлари ва ўзимнинг қадрдон шогирдларимга дунёдаги энг эзгу орзу-ниятлар доимо йўлдош бўлишини тилаб қоламан.

Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио.

Брюсселда Европа Иттифоқи Конституциясини қабул қилиш борасида ЕИга аъзо давлатлар вакиллари иштирокидаги муҳокамалар давом этмоқда.

ЕИ: ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

Аъзо мамлакатларнинг Ҳукуматлараро конференцияси (CIG) иттифоқ томонидан тасдиқланган Амстердам шартномаси (1997) матни қайта кўриб чиқилмоқда. Анжуманда лойиҳа юзасидан қизғин мунозаралар бўлиб, иштирокчилар ягона Европанинг икки йўналишда тузилишига нисбатан эътироз билдирмоқдалар. Жорий йилнинг май ойидаги иттифоқ йиғилишида Валери Жискар Д.Эстен ҳам бундай қарашларни қўллаб-қувватлаганди.

Европа Комиссияси номидан Мишел Барние ушбу фикрларни тушуниб, ҳамкорлик фақат бир гуруҳ давлатлар ўртасида бўлиб қолмай, балки уни ҳамжамият доирасида мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади. Лойиҳа томонларнинг фикрларини эътиборга олиб, жараёнларни соддалаштириш йўлини танламоқда.

Ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўзининг сўнгги босқичига кирмоқда, яъни бу жараённи поёнига етказиш иттифоқ томонидан берилган муддатга боғлиқлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу эса, одатда, вазирлар даражасидаги кенгашда муҳокама қилинади.

Айтиш лозимки, Конституция лойиҳасида Европа ит ифоқининг мустаҳкамланишига катта урғу берилган.

Айниқса, ташқи сиёсат ва мудофаа соҳасида ҳар бир ҳукуматнинг турли таклифлари илгари сурилмоқда. Хусусан, Буюк Британия вакили Питер Хаин, швейцариялик Лена Хйелм-Валленлар иттифоқнинг мавжуд бўлиши унга аъзо давлатларнинг сиёсий жипслашувига асос бўлишини таъкидладилар.

Конференцияда хавфсизлик сиёсати ва умумий мудофаа ҳамда «Тузилмавий ҳамкорлик» тизими ҳам муҳокама этилмоқда. Лойиҳада таъкидланишича, аъзо давлатлар иттифоқ доирасида ҳамкорлик тизимини ўзларининг энг юқори ҳарбий салоҳиятлари билан тўлдириши алоҳида қайд этилган.

Бўлажак Конституция лойиҳасида ЕИга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Илҳом РАҲМОНОВ.

Ўғирланган самолёт уриб туширилади

Германия Вазирлар Маҳкамаси ҳарбий кучларнинг янги режасини тасдиқлади. Унга кўра, ҳарбий ҳаво кучлари ўғирланиб ҳавога

кўтарилган ҳар қандай самолётни уриб туширишга ҳуқуқига эга. Бу лойиҳа амалга оширилиши мумкин бўлган террорчиликларнинг олдини олишга қаратилган.

Самолётни уриб туширишга амалиёти уни ерга қўндириш ҳаракатлари натижасиз тугагандагина қўлланилиши мумкин.

Бироқ Германия парламенти яна бир қонун лойиҳасини кўриб чиқиши керак. Унда самолётни уриб туширишни ҳал қилиш ҳарбийларга эмас, балки федерал ҳукуматга топширилади.

Италия ва Россия: бордикелди соддалаштирилади

Италия ва Россия икки давлат орасидаги виза режимини соддалаштириш ҳақидаги келишувни маъқуллади. Ушбу келишув Россия президенти Владимир Путиннинг Италияга сафари давомида имзоланди.

"Россия Италия билан виза расмийлаштирилишидаги тўсиқларни олиб ташлаш ва Европа қитъаси халқлари билан эркин алоқаларни йўлга қўйиш заруратини сезмоқда. Ҳа, Россия ва Европа Иттифоқи ўрта-



сидаги визасиз режим бир кунда ҳал қилинадиган масала эмас, бироқ бу борадаги саъй- ҳаракатларимиз бу муаммонинг ечилишига олиб келиши мумкин", - деди Владимир Путин.

Аъзоликка даъвогар мамлакатлар огоҳлантирилди

Европа комиссияси келгуси йилнинг биринчи майида ЕИ таркибига кирмоқчи бўлган мамлакатларни қаттиқ огоҳлантирди. Комиссия бўлажак аъзо мамлакатлар ўз муаммоларини ҳал этишини талаб қилмоқда. Акс ҳолда улар жазоланади.

Еврокомиссия ҳар йили Иттифоққа аъзо бўлиш истагидаги давлатлар аҳволи

ҳақида ҳисоботни тақдим этади.

Айни пайтда аъзоликка даъвогарлар орасида Польша Иттифоққа кириш учун ҳали тайёр бўлмаган давлат сифатида эътироф этилди.

АҚШ тарихидаги энг ашаддий жиноятчи

АҚШ фуқароси бўлган Гари Рижуэй судда 48 аёлни ўлдирганлигини бўйнига олди. Мамлакатда бу жиноятлар "Грин Ривер қўли бўйидаги қотилликлар" деб аталади.

Прокурорлар келишуви доирасида Гари Рижуэй Сиэтл судида ўз айбига иқрор бўлгани учун олий жазога маҳкум қилинмайди.

54 ёшли Гари Рижуэй АҚШ тарихида энг кўп одам ўлдирган жиноятчи сифатида тан олинди.

Voyager-1 40 минг йил учади

Олимларнинг маълум қилишича, Voyager-1 Америка космик аппарати қуёш тизими чегарасида турибди. Космик аппарат учирилганига 26 йил бўлди.

1977 йилда учирилган ушбу ҳаво кемаси дастлаб беш йилга мўлжалланган эди. Бироқ аппарат Ерга қимматли маълумот, шу жумладан қуёш тизимининг нодир суратларини юбормоқда.

НАСА олимларининг сўзларига қараганда, Voyager-1 Ердан 13,5 миллиард километр узоқда турибди. У энг яқин сайёрагача 40 минг йилда етиб боради.

Космик аппаратда 55 тилдаги қутлов ва Ердаги ҳаёт ҳақида видеолавҳалар бор.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Шри-Ланкада сиёсий инқироз

Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга мамлакатда катта таъсирга эга бўлган мудофаа, алоқа ва ички ишлар вазирларини истеъфога чиқарди ҳамда амалдаги парламент фаолиятини тўхтатиб қўйди. Президентнинг бундай фавқулодда қарорга келиши ҳукумат раҳбарлари орасида нохуш вазиятни келтириб чиқарди. Вазирлар истеъфога чиққан пайтда Бош вазир Ранила Викремесингхе амалий ташриф билан Вашингтонда эди. У ташрифини зудлик билан тугатиб, мамлакатга қайтди.

Вазирлар истеъфога чиқарилгани расман эълон қилинганидан бир неча кун ўтгач, ҳукуматга қарши ҳаракат олиб бораётган «Тамил йўлбарслари» айирмачи гуруҳи етакчилари тинчлик битими тузиш таклифи билан чиқдилар. Охирги икки йилдан буён бу ҳаракат ҳукуматга қарши уруш олиб бораётган мазкур айирмачи гуруҳи етакчиси мамлакатда барқарор вазият ўрнатишга ҳаракат қилаётган президент Кумаратунга бу таклифга рози бўлади, дея ишонч билдирмоқда.

Шри-Ланка Мудофаа вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, айни пайтда айирмачи гуруҳлар тарафидан эгалланиш хавфи бўлган ҳукумат телевидениеси, радиоси, ахборот агентликлари ва электрстанциялар қаттиқ қўриқланмоқда.

Агар Шри-Ланканинг тарихига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда охирги 20 йилдан буён фуқаролар уруши тўхтаган эмас.

Президент Чандрика Кумаратунга бошлиқсиз қолган Мудофаа, Алоқа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда мамлакат оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қаттиқ назорат остига олди. Парламент фаолияти эса, икки ҳафтадирки, тўхтатилган. Президент девони вакиллари мамлакат етакчи раҳбарлари ўртасида рўй берган бўлиниш барқарор вазиятга раҳна солмоқда, дейишмоқда.

«Би-Би-Си» мухбирининг таъкидлашича, конституциявий инқироз Шри-Ланкани ана шундай парокандаликка олиб келмоқда. Сабаби Президент ва Бош вазирга берилган конституциявий ваколат деярли тенг.

Мамлакат барқарорлигига бунданда каттароқ — «Тамил йўлбарслари» хавф солиб турибди. Лекин, нима бўлганда ҳам, ҳозирда икки тараф яна қайтадан музокаралар олиб боришга розилик билдирмоқда.

Сўнгги хабарларга қараганда, президент Чандрика Кумаратунга мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Reutersнинг маълум қилишича, бунга сабаб «Тамил йўлбарслари» етакчилари бир неча кун олдин ҳукуматга мамлакатнинг шимоли-шарқий ороллари мустақил давлат сифатида ҳокимиятни айирмачилар ихтиёрига топшириш таклифи билан чиққан эдилар. Айирмачилар томонидан илгари сурилган бу таклиф истеъфога чиқарилган вазирлар томонидан қўллаб-қувватланиш эҳтимоли борлиги президентни шундай қарорга келишининг яна бир сабаби бўлса, ажабмас.

Юнус БЎРОНОВ.

Биласизми?

Беш марта овқатланган семирмайди

La Stampa (Италия) газетасининг ёзишича, "Баъзи препаратлар одам танасига катта зиён етказади. "Шунинг учун таблеткалардан узоқроқ юрган яхши, — дейди парҳезчи-олим Жоржио Калабрезе. — Бир мавсумдан бошқасига ўтиш пайтида маълум парҳезга амал қилиш керак. Инсонга бир кунда беш марта овқат истеъмол қилиш тавсия этилади".

Баъзилар ўтган фасллар давомида уч, беш ёки йигирма килограмм семиради.

"Муҳими қанча семиришда эмас, нима сабабдан ортиқча вазн орттиришда, — деб фикрида давом этади парҳезчи-олим. — Кимки озмоқчи бўлса ва танасида патология бўлмаса кунига беш марта овқат ейишга одатланиши лозим. Ўшанда танамизда оз миқдорда инсулин ишлаб чиқарилишини таъминлаймиз. Кам инсулин ишлаб чиқарилса, кам ёғ йиғилади. Шундай қилиб, кўп марта овқатланиш тана озишига хизмат қилади".

Биз кун бўйи иш билан бўлиб, тўғри келган нарсани еймиз, кечқурун эса қорнини тўйдириб оламиз. Бу эса танага сингмаган инсулиннинг йиғилиб қолишига олиб келади ва у ўз навбатида ортиқча ёғни вужудга келтиради. Шунинг учун овқатланишга катта эътибор қаратиш лозим.

Парҳезчи-олимларнинг фикрича, эрталаб сутли ва ёғсиз овқат, озроқ нон ейиш тавсия қилинади. Иккинчи нонушта ҳам енгил бўлиши керак. Унда ҳам сутли таом ва мевалар еган маъқул. Тушликда кўп ёғли овқат ейиш яхши эмас. Қўкатлардан тайёрланган салатлар, гуруч, тухум араланштирилган таомлар айни муддао. Албатта, овқатдан кейин мевалардан истеъмол қилиш яхши. Тушдан кейинги нонуштада шакар қўшилмаган таом ва яна меваларга эътибор қаратиш керак. Кечқурун ҳам сабзавотдан ўсимлик ёғида тайёрланган егуликлар фойдали. Шунингдек, балиқ, товуқ, мол гўштидан озгина тамадди қилса бўлади ёки иккита тухум ейиш мумкин. Кейин эса турли фойдали ўтлардан дамланган чой танага янада шифобахшлик беради.

Табиатда рўй бераётган ўзгаришлар одам танасига ҳам ўзига хос таъсир қилади. Ундаги энергия тананинг ички қувватини уйғотади. Овқатдан кейинги сайр эса шиддат билан ўтган кунни таҳлил қилиш, унинг мағзини чақиш имкониятини беради. Шундай пайтларда инсон ва табиат ҳамоҳанг бўлгандек туюлади. Зотан, инсон ҳам табиатнинг бир қисми-да, ахир.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.



Осиёлик футболчилар Европани забт этишмоқда

Яқин-яқингача Осиё футболига бошқа қитъадагилар беписандлик билан қараб келишарди. Футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатларида Осиё давлатлари жамоаларини енгиш бошқа қитъадагилар учун "хамирдан қил суғуришдек" эди. Лекин ўтган асрнинг сўнгги йилларида Францияда бўлиб ўтган "мундиал"дан кейин, Осиё футболига эътибор бошқача кўриниш олди. Европалик футбол мутахассислари "сариқ қитъа" вакиллари ҳам чарм тўп устаси эканликларига ишонч билан қарай бошлашди.

1998 йил Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Япония терма жамоаси, гарчи ўз гуруҳларида сўнгги поғонани эгаллаб, муддатидан илгари уйларига қайтишган бўлсалар-да, ажойиб ўйинлари билан европалик футбол мутахассисларини лол қолдиришди. Тез орада жаҳон чемпионати баҳсларида чиройли тўп оширишлари билан кўпчиликни ҳайратлантирган Хидетоши Накатага Италиянинг "Перуджа" жамоаси мураббийлари "оғиз солди". Хидетоши японияликларнинг кўҳна қитъадаги биринчи "легионери" эмасди. Бу пайтгача Казу Миура Европа давлатлари миллий чемпионатларида тўп суришга улгурганди.

Япония футболининг юксалишини кўпчилик франциялик мураббий Филипп Труссьера боғлашади. Тўғри, франциялик мураббий Япония футболи ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Жамоа у раҳбарлигида 2000 йил Ливанда бўлиб ўтган "Осиё кубоги" ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Бундан ташқари, Япония терма жамоаси жаҳон чемпионатида, илк бор, ўз тарихида нимчорак финалга чиқди. Лекин япон футболининг юксалишига 1994 йилдаёқ тамал тоши қўйилганди. Ўтган асрнинг 90-йилларида японияликтаддиркорлар "J" лигага асос солишди. Дунёнинг номдор футболчиларини "J"лигада ўйнашга кўндирдилар. Шу орқали япониялик ёш футболчиларнинг тажрибаси ошди. Айни пайтда, ўша йиллари бразилиялик Зико, италиялик Сальватор Скиллачи ва англиялик Гари Линекерлар билан тўп сурган ёш "болакай"лар – Шинжи Оно ("Фейеноорд"), Юничи Иномото («Фулхэм»), Казюки Тода ("Тоттенхэм"), Накамура ("Перуджа")лар ўз жамоаларининг етакчи ўйинчиларига айланишди.

Японияликларнинг маҳоратини кўрган европаликлар қитъанинг бошқа давлатларидан ҳам истеъдодларни излашга тушишди. Хусусан, 2002 йилги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилган Жанубий Кореянинг ёш иқтидорли футболчилари ҳам дунё биринчилигидан кейиноқ кўҳна қитъага йўл олишди. Санг Чон Гук, Ча Ду Ри билан бир қаторда яқиндагина Испаниянинг "Реал Сосъедад" жамоасига таклиф этилган Ли Чун Сун ҳам ажойиб ўйинлари билан европалик футбол мухлисларни меҳрини қозонмоқда. Албатта, бунинг замирида голландиялик мураббий Гуус Хиддинкнинг хизматлари ҳам бор. Жанубий Корея терма жамоаси у бошчилигида Осиё тарихида мисли кўрилмаган натижани қайд этди. Нафақат Европанинг, балки дунёнинг энг кучли- Италия, Испания терма жамоалари ҳам Гуус Хиддинк шогирдлари томонидан "тор-мор" этилди.

Япония, Жанубий Корея футболчиларидан ташқари, эронлик Али Дайини бир неча йиллар Германиянинг "Герта" жамоаси сафида ишончли тўп сурганлиги футбол мухлисларига яхши маълум. Ҳозир ҳам бир неча эронлик чарм тўп усталари кўҳна қитъанинг номдор жамоаларида ўйнаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Кувонарлиси, Европа давлатларининг энг кучли миллий чемпионати деб эътироф этиладиган Италия биринчилигида ҳамюртимиз Илёс Зейтуллаевнинг тўп сураётганлигидир. Тўғри, у ҳали асосий таркибдан муқим жой олиб улгурганича йўқ. Лекин "Ювентус" мураббийи Марчелло Липпи ёш футболчимизнинг келажагига катта ишонч билан қарамоқда. Бундан ташқари, Максим Шацкихни ("Динамо" Киев) ҳам алла-қачон Европанинг номдор клублари ўз сафларига чорлашганди. Бироқ киевликлар уни ҳеч қаерга қўйиб юбормасликларини айтишмоқда.

Яқинда, ёшлар ўртасида Бирлашган Араб Амирликларида жаҳон чемпионати мусобақалари бошланади. Ҳеч шубҳа йўқки, унда кўплаб европалик футбол мутахассислари иштирок этади. Ҳозирданоқ, улар бу чемпионатга умид билан қарашмоқда. Ёшларимизнинг ушбу биринчиликда қатнашишини ҳисобга оладиган бўлсак, яна бир неча футболчимиз Илёснинг ортидан Европага йўл олишлари мумкин. Бунга ўтган йили гувоҳ бўлгандик. Ёшларимизнинг ўйинларини кузатиб борган Россия армиячилари жамоаси мураббийи Валерий Газзаев Александр Гейнрихни дарров ЦСКАга таклиф қилганди.

"Қуёш Шарқдан чиқади" деган гап бор. Насиб этса бу иборани футболга ҳам нисбат берсак, ажаб эмас.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
"Халқ сўзи"мухбири.



To apply for the

British Chevening Scholarships for 2004 entry

Chevening is the scholarship programme of the United Kingdom's Foreign and Commonwealth Office which is administered by the British Council in Uzbekistan.

Academic year 2004-2005

The objective of these scholarships is to provide outstanding graduates and leaders of tomorrow with an opportunity to pursue postgraduate studies in the United Kingdom. These courses should be relevant both to career development and to the national development of the Republic of Uzbekistan

Applicants should be:

- Under the age 35
- Graduates with an excellent academic record in subjects such as, Economics, Political Sciences, International Relations, Law, Business Administration, Media Communications and Journalism, Agriculture, Health Management, Applied Sciences and Computer Technology.
- Proficient in English

Application forms may be obtained from the British Council Information Centre. Completed forms should be returned by **1 December 2003.** Applications received after 1 December 2003 will not be considered.

For further information please contact Alyor Khassanov at the British Council Information Centre at alyor.khassanov@britishcouncil.uz

BRITISH COUNCIL Uzbekistan
11, D. Kounaev Street, Tashkent 700031
Tel: 120 67 52, 120 67 53
Fax: 120 63 71

Республикада Шошилинч тиббий ёрдам хизмати тизими ташкил этилганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, бу борада айтишга арзигулик ютуқларга эришилди. 7-8 ноябрь кунлари «Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги учинчи халқаро анъанавий илмий-амалий анжуманнинг пойтахтимизда ўтказилиши ушбу фикрнинг эътирофидир.

Шошилинч тиббий ёрдам:

ВАЗИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг яхлит ва салмоқли тизими ташкил қилинди. Ушбу тизимнинг фаолият кўлами, олдига қўйилган вазифалари ва имкониятлари жиҳатидан ҳеч бир бошқа давлатларда бўлмаган ўзига хос модель сифатида тан олинмоқда.

Мамлакатимиз шошилинч тиббиёт тизими бир неча бўғиндан иборат бўлиб, унга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) раҳбарлик қилади. Айни пайтда барча вилоят марказларида ва Нукус шаҳрида марказнинг 12 та филиали ташкил қилинди, 171 туманда эса марказий туман шифохоналари қошида фаолият кўрсатувчи субфилиаллар — шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари очилган. «03»– тез тиббий ёрдам хизмати ва санитар авиацияси ҳам уларнинг хизмат таркибига киради.

Шошилинч тиббиёт хизмати шифохоналарида ҳозирги кунда беморлар учун 7964 та ўрин бўлиб, бу республикамиздаги барча шифохоналардаги умумий ўринлар сонининг 5,7 фоизини ташкил қилади. Тизимда жами 44 мингдан ортиқ киши фаолият кўрсатмоқда. Улар бир йил ичида ўртача 500 мингдан ортиқ беморга стационарларда ва тахминан шунча одамга амбулатория ёрдами кўрсатади.

Марказ тизимида шошилинч ёрдамга муҳтож беморлар ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиниб, барча зарурий ёрдам тез ва тўлиқ кўрсатилади. Бунинг кафолати сифатида етакчи мутахассислар томонидан махсус стандартлар ишлаб чиқилган. Улар кўрсатилаётган муолажаларнинг сифатли ва тўлиқ бўлишини таъминлашдан ташқари, барча шифокорларимиз учун амалий қўлланма ҳам бўлиб хизмат қилмоқда.

Стандартларни қўллаш натижасида тиббиёт маркази, унинг филиаллари ва субфилиаллари фаолияти самарадорлиги ҳам тобора ошиб бораяпти. Хусусан, ҳозирги кунга келиб беморларнинг даволаниш ўртача муддати 6,1 кунни ташкил қилмоқда, ҳолбуки ушбу кўрсаткич мамлакат бўйича ўрта ҳисобда 12,2 кунни ташкил қилади.

Маълумки, шифохоналарда қулай шароит яратилиб, энг замонавий анжомлар билан таъминлашнинг ўзи етарли эмас. Бу ўринда биринчи галда мутахассисларнинг билими ва тажрибаси етарли бўлиши керак. Шу боис биз ўз фаолиятимизнинг дастлабки кунлариданоқ кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Жумладан, шошилинч тиббиёт хизмати ташкил қилингандан бери кўплаб мутахассисларимиз Тошкент шаҳрида, шунингдек, Россия, АҚШ, Исроил, Япония, Бельгия, Швейцария ва Туркия мамлакатларида малака ошириб қайтдилар.

Марказ ва унинг филиалларига ўрнатилаётган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар тизимимизда олиб борилаётган илмий изланишларнинг савиясини ва кўламини кескин яхшилашга пойдевор бўлмоқда. Фаолиятимизнинг дастлабки уч йилида еттита илмий мавзудаги Давлат илмий-техник дастури муваффақиятли бажарилди. Бу мавзуларнинг умумий йўналиши шошилинч тиббий ёрдам тизими учун янги тиббиёт технологияларини яратиш, уларни амалиётга татбиқ қилиш, ташхис ва даволаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар марказининг грантларини олиш учун ўтказилган танловга биз тақдим этган 17 лойиҳадан 14 таси Давлат грантига сазовор бўлиши марказнинг юқори илмий салоҳиятини яна бир бор кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, 7-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилаётган «Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари» мавзусида учинчи бор ўтказиладиган анъанавий халқаро илмий-амалий анжуман бу борадаги навбатдаги вазифаларни белгилаб беради. Жаҳон тиббиёт ҳамжамиятининг, айниқса шошилинч тиббиёт муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотчилар, олимлар ва шифокорларнинг нуфузли вакиллари иштирок этадиган мазкур анжуман қон кетиш масалаларига бағишланган. Анжуманда Финляндия, АҚШ, Россия, Украина ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кўплаб мутахассислари маърузалар билан чиқиш истагини билдиришган.

Анжуман мавзусининг долзарблигини ташкилий қўмитага 400 дан ортиқ илмий ишлар матни тақдим қилинганидан ҳам билса бўлади.

А. ҲОЖИБОЕВ,
Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини.

«Аторуд» офтобдан нурланди

Ўн бир йилдан бери уч мингдан кўпроқ нусхада мунтазам нашр этилиб келинаётган газетамизни яқиндан бошлаб – Қуёшга энг яқин сайёра саналмиш «Аторуд» номи билан атай бошладик, – дейди Ғиждувон туманида чоп этилаётган мустақил газета бош муҳаррири Бахшанда Болтаева. — Муассисликни эса «Репортёр» журналистлар мунозара клуби ўз зиммасига олди. Янги ном таҳририятимизга қутлуғ келди, шарофату барокат келтирди. Қаранг, қуёшга яқинлашдик, шунчаки яқинлашдиккина эмас, ундан нур ола бошладик. Компьютерларимиз қуёш тафти билан ишлаяпти, хоналаримиз унинг нурларидан нурафшон.

Янгилик

Таҳририятимизга ташриф буюришиб, янгилик билан қизиқаётганлар сони кўпайиб қолди. Туман электр тармоқлари идораси бошлиғи Мардон Очилов ҳам келиб ҳайратини яширолмади. Қуёш нури бизга фойда келтираяпти.

Гап шундаки, республикамизда биринчи бўлиб, ушбу таҳририят биносида қуёш батареяси ўрнатилди. Уни тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ахборот жамоатчилик «Заковат» жамғармаси лойиҳаси асосида Германиянинг PW PWE SCHOTT SOVAV компанияси амалга оширди. Бугина эмас, ҳамкорлар энг замонавий компьютер, принтер, факс каби жами 5 минг долларлик анжомлар ҳам совға этишди.

Шу муносабат билан таҳририятда тақдимот маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа халқаро координатори жаноб Вольфганг Шрейбер, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби, иқтисод ва иқтисодий ривожланиш бўлими бошлиғи жаноб Манфред Шюллер, «Заковат» жамғармаси директори ўринбосари Ботир Жосов ва бошқалар қўйи батареясининг афзалликлари, мустақил газетанинг тобора оммалашиб бораётганлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Файзли қишлоқ манзиллари

Гузар

Фарғонада энг узун гузар қаерда бунёд этилган дейилса, Данғара туманининг Мулкобод қишлоғи тилга олинади. «Шодлик» деб аталувчи бу гузарнинг биринчи навбати қурилиши катта йўл бўйлаб 250 метр масофага чўзилиб кетган. Ҳозир бу қишлоқдаги «шаҳарча»да аҳолига 20 турдан зиёд хизмат кўрсатадиган дўконлар, сартарошхона, қассобхона, маиший устахоналар ишлаб турибди.

Ҳозир гузарнинг иккинчи навбати қурилиши жадал давом эттирилаяпти. Энди бу ерда аёллар гўзаллик салонидан тортиб, муолажа масканларигача бўлади. Гузарнинг сарҳади ярим километргача етиши мўлжалланаяпти. Лекин гап масофада эмас. Мулкободликларнинг нияти водийда энг шинам, барча қулайликларга эга гузарни бунёд этиш.

Истиқлолимизнинг 12 йиллиги байрами кунлари тумандаги янгидан фойдаланишга топширилган 16 та маҳалла гузарида эл-юртга ош тортилди. Вилоятнинг энг чекка, азим Сирдарё бўйларига туташ Янгиқишлоқ маҳаллаларидаги янги гузарнинг марказида маҳалланинг маъмурий биноси қад ростлади. Олти хонали замонавий услубдаги хос бинони ошпаз Муҳаммаджон Сатторов ва тадбиркор Ғофуржон Умаровлар шахсий маблағлари ҳисобига тиклаб беришди. Бинога эш-қўш бўлиб қурилган савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида 15 турдан зиёд хизматлар кўрсатиляпти. Найманча қишлоқ гузаридаги оталар чойхонаси эса республика кўрик-танлови совриндори бўлди.

«Мирсодиқ ота» номи билан аталувчи чойхона танловдан тушган 250 минг сўм маблағни асосан дам олиш масканини янада шинам ва кўркам қилиб жиҳозлашга сарфлади.

Музей

Шаҳарлардаги эътироф этилган музейларга ҳам ҳисоб-китобли кишилар ташриф буюраётган бир пайтда қишлоқда музей ташкил этишга зарурат бормикин?

– Нафақат зарурият бор, бу бизнинг аждодларимиз олдидаги қарзимиз, келажак авлодлар учун эса бурчимиздир, – дейди Учкўприк туманидаги Кенагас қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Бекобод маҳалла музейи асосчиси Турдимат ота Маҳкамов. – Қирқ йилдан зиёд болаларга тарих фанидан дарс бердим. Шу йиллар давомида маҳаллам, унга туташ қишлоқлар ҳақида маълумотлар, турли осори-атиқаларни тўпладим. Ягона орзуим бу маънавий-тарихий бойликлардан қишлоқ аҳлини, маҳалладошларимни ҳам баҳраманд этиш эди. Ниятим рўёбга чиқишига маҳалла фуқаролар йиғинидан хона ажратиб, имконият яратиб беришди.

Кенагас – ўтмиши бир неча асрларга тақалувчи ўзбек уруғларидан бирининг номи. Зеро, қишлоқ тарихи миллатимиз тарихи билан минг йилликларга бориб тақалади. Муқимийнинг машҳур «Саёҳатнома»сида қишлоқ номининг тилга олиниши эса яқин ўтмиш ҳисобланади. Музей асосчиси ана шу узоқ йиллик тарихий силсилани доимий ашёлар, тарихий манбалар билан исботлаб беришга ҳаракат қилган. Қишлоқ музейининг биринчи бўлими шу тарихий ҳақиқатни исботловчи осори-атиқалар, ҳужжатлар билан тўлдирилган.

Музейнинг қолган бўлимлари эса асосан қишлоқнинг эл-оғзига тушган фидойилари ҳаёти, ижоди, интилишларига бағишланган. Айниқса, ёшлар истиқлол учун курашган маърифатпарварлар жасоратидан ҳикоя қилувчи хатлар, лавҳаларни қизиқиб томоша қилишади. Экспонатлар орасида қатағон қурбони бўлган, «қулоқ» тамғаси босилиб, олис Украина, узоқ Сибирь ўлкаларига сургун қилинганларнинг номлари ҳам бор. Улар ичидан ўз жигаргўшалари, яқинлари, қариндош-уруғлари номларини топиб , боладай қувонган кишиларнинг ҳаяжонларини сўз билан ифодалаш мушкул.

Музейнинг энг катта бўлими эса маҳалла, қишлоқ, хўжаликнинг истиқлол йилларида эришган муваффақиятлари, юртимизда рўй берган асрга татигулик ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига бағишланган.

Фидойи отахон Турдимат Маҳкамовнинг саъй-ҳаракати билан тикланган музей, ҳеч шубҳасиз, қишлоқ турмуш тарзи, маданиятининг ажралмас қисмига айланиб бораётир.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

КАФЕДРА МУДИРИ, ПРОФЕССОР — мусиқий педагогика;
КАФЕДРА МУДИРИ, ДОЦЕНТ — ижтимоий-сиёсий фанлар;
ПРОФЕССОР – хор дирижёрлиги (0,5);
ДОЦЕНТ: мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (0,5), мусиқий шарқшунослик (0,25), анъанавий хонандалик (1);
КАТТА ЎҚИТУВЧИ: хор дирижёрлиги (1), мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (1), жўрнавозлик маҳорати (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (1), камер мусиқаси (1), мусиқий шарқшунослик (0,5), академик хонандалик ва опера тайёрлови (1), анъанавий ижрочилик (танбур-1);
ЎҚИТУВЧИ: мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (1), ижтимоий-сиёсий фанлар (1), эстрада чолғу ижрочилиги (1).

81841/2338

Япон мусаввирлари кўргазмаси

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Япония маданиятининг турли кўринишларини ўзида акс эттирган япон мусаввирларининг расмлар ва плакатлар кўргазмаси очилди.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад қадимги ва замонавий япон театр ва рассомлик санъатини ўзбекистонликларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Япония санъати кўргазмаси бизга япон санъатининг номаълум қирраларини очиб бериши шубҳасиз.

С. ЖУМАБОЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси.

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама – бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

(Газетанинг навбатдаги сони 11 ноябрь, сешанба куни чиқади).

TRAST TA'MINOT
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
реализует со склада в Ташкенте
КАРБИД КАЛЬЦИЯ (пр-ва Казахстана) по ЦЕНЕ 700 сум/кг
фракции ∅ 25 ÷ 80
Оптовым покупателям предоставляются СКИДКИ
ФРИКЦИОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ
ДЛЯ ГРУЗОВОГО И ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА:
НАКЛАДКИ ДЛЯ ДИСКОВ СЦЕПЛЕНИЯ,
НАКЛАДКИ ТОРМОЗНЫЕ,
ПАРОНИТ ПОН-Б, ПМБ толщ. 0,8 ÷ 4 мм.
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.
7966/2075

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари

Нарх ва сифатнинг бир-бирига ғоятда мослиги, шунингдек, сервис хизматининг юқори даражадалиги Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги НТ технологияли TS-Technology® Р компьютерларини танлашни тавсия этади.

Ходимларингизнинг кам вақт ичида кўп иш бажаришларини хоҳлайсизми?



Бир вақтнинг ўзида бир неча иловаларни қайта ишлай оладиган компьютерлардан фойдаланинг.
Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги НТ технологияли TS-Technology® Р компьютерлари.

intel inside pentium 4

Таълим соҳасидаги ўқув муассасаларига имтиёзли нархлар.
Корпоратив буюртмачилар учун техникани савдодан олдин тестдан ўтказиш.

Тошкент шаҳри, Мусаҳонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар; http://www.tstech.uz.
Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-78, 120-77-56, факс: 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57, 157-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

Intel® Pentium® 4 процессорлари логотипининг НТ технологияси билан биргаликда бўлиши тизим етказиб берувчилар томонидан унинг ички Hyper-Treding технологияси билан тўлиқ мос келиши ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари аппаратнинг конфигурацияси ва дастурий таъминоти ҳамда созланишига қараб ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, ЎзР ФА академиги, кимё фанлари доктори, профессор

Карим АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви жамоаси «Турон қурилиш материаллари» корхонаси директори Баҳодир Исмаиловга падари бузруквори

Маҳмуд ИСМАИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика махсус ижодий ишлаб-чиқариш «Усто» уюшмаси уюшма раиси ўринбосари Қобилжон Маҳмудовга акаси

Одилжон МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари республика тил ўқитиш маркази ўқитувчиси Гаффор Абдуқодировга падари бузруквори

АБДУМУХТОР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0066. 22589 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5